



ЎЗБЕКИСТОН ВА ТУРКИЯ ПРЕЗИДЕНТЛАРИ БИР- БИРЛАРИНИ ҚУТЛАДИЛАР

Ўзбекистон Республикаси ва Туркия Республикаси ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилганининг 25 йиллиги муносабати билан икки давлат раҳбарлари бир-бирларини табриклади.

Туркия Президенти Режеп Таййип Эрдоғоннинг қутловида бундай дейилади: "Туркия Республикаси ва қардош Ўзбекистон Республикаси ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилганининг 25 йиллиги муносабати билан Сиз, Жаноби Олийларини ва қардош Ўзбекистон халқини шахсан ўз номидан ва Туркия халқи номидан самимий табриклайман ва эзгу истакларимни йўллайман".

Режеп Таййип Эрдоғон 2016 йил 18 ноябрда Самарқанд шаҳрида ўтган олий даражадаги музокаралар чоғида ўзаро муносабатларни кенгайтириш борасида ҳамкорликда ишлаш тўғрисида эришилган келишувлар амалга оширилишига ишонч билдирган, Туркия мамлакатларимиз халқлари фаровонлиги йўлидаги ҳамкорликни ўзаро ишончли асосда икки томонлама, минтақавий ва халқаро миқёсда ривожлантиришга тайёр эканини таъкидлаган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев қутловида "1992 йилнинг март ойида дипломатик муносабатлар ўрнатилгандан сўнг қисқа вақтда, яъни ўша йилнинг апрель ойида Тошкент шаҳрида Туркия Республикаси элчихонаси очилган"ини алоҳида таъкидлаган.

Давлатимиз раҳбарининг табригида бундай дейилади: "Ўзбекистон ҳукумати делегациясининг шу йил 26 февраль - 2 март кунлари Туркияга ташрифи ўзаро келишувларимизнинг мантаний давоми бўлди. Фурсатдан фойдаланиб, менинг вакилим билан учрашганингиз ва алоҳида ҳурмат кўрсатганингиз учун Сизга самимий миннатдорлик билдираман".

Президентимиз Ўзбекистон билан Туркия сиёсий-дипломатик, савдо-иқтисодий, инвестиция, ҳарбий-техник, сайёҳлик, логистика ва бошқа соҳаларда ўзаро муносабатларни ривожлантириш учун ҳали фойдаланилмаган ва бир-бирини тўлдирадиган улкан салоҳиятга эга эканини қайд этган. Шу нуқтаи назардан ҳамкорликни кенгайтириш ва истиқболли лойиҳаларни биргаликда амалга ошириш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Президенти томонлар биргаликдаги сайёҳаракатлар билан кенг қўлланма ва узоқ муддатли шериклик муносабатларини қардош халқларимиз фаровонлиги йўлида сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқишига ишонч билдирган.

ЎЗА

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ВА БЕЛЬГИЯЛИКЛАР ҚИРОЛИ БИР-БИРЛАРИНИ ҚУТЛАДИЛАР

Ўзбекистон Республикаси ва Бельгия Қироллиги ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилганининг 25 йиллиги муносабати билан Бельгияликлар Қироли Филипп Президентимиз Шавкат Мирзиёевга табрик йўллаган.

Бельгияликлар Қиролининг қутловида бундай дейилади: "2017 йилда Бельгия ва Ўзбекистон ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилганининг 25 йиллигини нишонлаётганимиз менга катта мамнуният бағишлайди.

Ўтган йилларда мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик турли соҳаларда муваффақиятли ривожланмоқда, икки томонлама муносабатларимизнинг муҳим асоси бўлган дўстона алоқалар ва ўзаро англашув изчил мустаҳкамланмоқда".

Бельгия Бош вазири Шарль Мишель Ўзбекистон раҳбариятини қутлар экан, "Ўзбекистон мустақилликка эришган кунданок ўз суверенитетини мустаҳкамлади ҳамда минтақанинг муҳим сиёсий ва иқтисодий салоҳиятга эга давлатига айланди. Ўтган давр мобайнида мамлакатларимиз самарали ҳамкорлик қилиб келмоқда, аммо уни янада диверсификация қилиш борасида катта салоҳият мавжуд".

ЎЗА

Хитойнинг йирик шаҳарларидан бирида, Шанхай университетининг марказий майдонида буюк ўзбек шоири ва мутафаккири Алишер Навоий ҳайкали ўрнатилди.

ШАНХАЙДА АЛИШЕР НАВОИЙГА ҲАЙКАЛ ЎРНАТИЛДИ

Унинг очилишига бағишланган маросимда Тошкент шаҳар ҳокимлиги ҳамда Ўзбекистон Бадий академияси вакилларида иборат мамлакатимиз делегацияси, Хитойнинг Шанхай ва бошқа университетлари раҳбарияти, ўқитувчи-профессорлари, Хорижий давлатлар билан дўстлик уюшмаси, етакчи тахлилий марказлар ходимлари, жамоатчилик вакиллари, талабалар ҳамда журналистлар қатнашди.

Бронзадан ишланган 3 метрлик улуғвор ёдгорликка гранитдан ясалган махсус сува ва унинг атрофида йўлақлар барпо этилгани йиғилганлар таҳсинига сазовор бўлди. Таъкидлаш жоизки, кўп миллионли аҳоли истиқомат қиладиган мазкур улкан шаҳарда дунёнинг кўплаб буюк шахсларига ёдгорлик бюст қўрилишида ўрнатилган, Алишер Навоийга эса бор бўй-бастини намоён этган улкан ҳайкал қад ростлади.

Тадбирда сўзга чиққан **Шанхай университети партия қўмитаси котиби Ло Хунцзе** ўзбек халқининг Шарқ мамлакатлари ҳамда бутун дунё маданий меросига қўшган ҳиссасининг ёрқин ифодаси бўлган Алишер Навоий шахсига олий ўқув юрти ҳудудида ҳайкал ўрнатилишидан беҳад мамнунигини изҳор қилди.

Бу хитойликларнинг ўзбек халқига, унинг адабиёти ва санъатига улкан ҳурматининг намунасидир. Буюк Ипак йўлининг чорраҳасида жойлашган Ўзбекистон замини дунёга замонавий цивилизациянинг шаклланишига ўзининг улкан ҳиссасини қўшган кўплаб даҳо шахсларни берган, - деди Л.Хунцзе. - Ўзбек халқининг буюк фарзанди бўлмиш Алишер Навоий дунё адабиётида ўчмас из қолдирди. Давлат бошқарувида нуфузли лавозимни эгаллаб тураркан, у илм-фанни кўллаб-қувватлади, ўсиб келаётган авлоднинг таълим олишига хизмат қилди, унинг мислсиз гўзал назмий асарлари эса Шарқ шеърятини тарихида янги даврни бошлаб берди. Навоий дostonларида кўтарилган ғоялар ҳамда қарашлар орадан асрлар ўтган бўлишига қарамай, ўз долзарблигини ҳамон йўқотмаган.

Биз ўзбек адабиёти даҳо вакилининг ҳайкали шахримиз марказида жойлашган университетимиз майдонида виқор билан туриши ва унга ҳар қуни 40 мингдан зиёд талаба ҳамда ўқитувчиларнинг назари тушишидан фахрланамиз, - деди **Шанхай университети ҳузуридаги Ўзбекистон билан тадқиқот ва таълим алмашинуви маркази директори Яо Симин**. - Келгусида ҳар йили 9 февраль куни ана шу ёдгорлик олдида Алишер Навоий таваллуди куни нишонланади.

Хорижий давлатлар билан дўстлик уюшмаси вице-президенти Жин Ингнинг фикрига кўра, Алишер Навоий ўзбек мумтоз адабиёти тарихида муҳим ўрин эгаллайди.

Навоий ижоди ўз даври шеърятини сифат жиҳатидан янги даражага кўтарди. Бугунги кунда ҳам унинг бадий мероси мутахассислар томонидан катта эътибор билан ўрганилмоқда. Хусусан, Хитойда Алишер Навоий шахсига қизиқиш ортиб бораёпти. Шанхай шаҳрида атоқли мутафаккирга ўрнатилган ҳайкал бунинг яққол тасдиғидир.

"Жаҳон" АА,
Шанхай

**Ватан ҳимояси -
муқаддас бурч**

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

АСКАРЛАР ЎЗ ВАТАНИ ВА ПРЕЗИДЕНТИГА ҚАСАМЁД ҚИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисмларида 12 март куни Президентимизнинг 2016 йил 21 декабрдаги "Ўзбекистон Республикаси фуқароларини муддатли ҳарбий хизматга навбатдаги қақирuvi ҳамда белгиланган хизмат муддатларини ўтаб бўлган ҳарбий хизматчиларни Қуролли Кучлар резервига бўшаатиш тўғрисида"ги Қарорига мувофиқ муддатли ҳарбий хизматга қақирилган аскарларнинг ҳарбий қасамёд қабул қилишига бағишланган тантанали маросимлар ўтказилди.

Биринчи Президентимиз Ислам Каримов ташаббуси билан пойтахтимизда бунёд этилган "Ватанга қасамёд" ҳайкали пойида шундай тадбир бўлиб ўтди.

Муддатли ҳарбий хизматга қақирилган оддий аскар Амирхон Жўраевнинг бобоси Низом ота Раҳмонов тадбирда иштирок этиш учун Бухоро вилоятининг Ромитан туманидан келган.

Набирам миллий армиямиз сафига қақирилгунига қадар кураш билан шуғулланиб, коллежда электрон ҳисоблаш машинаси оператори йўналишида ўқиди, - дейди Низом ота. - Унинг ҳақиқий Ватан ҳимоячиси бўлганини кўриб, жуда қувондим. Набирамга Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Бухорога сафари ва вилоятимизни янада ривожлантириш бўйича берган қимматли маслаҳатлари ҳақида сўзлаб бердим. Амирхон ҳам хизматдан сўнг ушбу муҳим режаларни ҳаётга татбиқ этадиган ёшлардан бири бўлади, деб ўйлайман.

Муддатли хизматни ўтаётган оддий аскар Қурбонали Аҳмадбековнинг онаси Хосиятхон Қурбонова

Фарғона вилоятининг Қувасой туманидан келган.

Фарзандларимизнинг мазкур ҳайкал пойида она Ватанга қасамёд қилишида чўқур мазмун бор, - дейди Хосиятхон опа. - Биз, оналар ўғилларимиз Ватанимизга содиқ хизмат қилишига ишонамиз.

Жиззах вилояти Ғаллаорол туманида яшовчи Амиржон Мусулмонов амакиси, оддий аскар Сухроб Исмаиловнинг ҳарбий қасамёд қабул қилишида иштирок этиш учун отаси, полковник Ақром Мусулмонов билан бирга келган. Амиржон ҳам, Сухроб ҳам келажда офицер бўлишни мақсад қилган.

Қулни ва бақувват бўлиш учун таъжвондо билан шуғулланаман ва келажда мен ҳам Ватанимизнинг муносиб ҳимоячиси бўлишни хоҳлайман, - дейди Амиржон. Унинг кўзларида ҳавас ва фахр туйғуси порлаб турарди.

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳузуридаги Жамоатчилик Кенгаши раиси Иқбол Мирзаа-



О.АМИРЖОНОВ (ЎА) онаси билан

лиев, давлат ва жамоатчилик ташкилотлари вакиллари муддатли ҳарбий хизматчилар, уларнинг оила аъзолари ва яқинларини ушбу муҳим воқеа билан табриклар экан, йигитлар аждодларимизнинг Ватани ҳимоя қилишдек шарафли аънаъасини муносиб давом эттиришига ишонч билдирди.

Мен Қорақалпоғистон Республикасида келдим, - дейди оддий аскар Сулаймон Абдуллаевнинг онаси Ойсултон Абдуллаева. - Ўғлимнинг ҳарбий қасамёд сўзларини эшитиб, ич-ичимдан фахрландим. Унинг берган ваъдасига содиқ қолишига ишонаман.

Аблай КАМОЛОВ,
ЎЗА мухбири

рилмоқда. Айрим масалалар эса ўрнида ҳал этилмаяпти.

Самарқанд туманида Ўзбекистон Халқ демократик партияси Самарқанд вилояти кенгаши ва "Алоқабанк"нинг Самарқанд филиали ҳамкорлигида "Аҳоли бандлигини таъминлаш ва турмуш даражасини юксалтиришда кредитлаш тизимининг аҳамияти" мавзусида семинар ўтказилди.

Хоразмда "Адабиётга эътибор - маънавиятга, келажакка эътибор" шиори остида "Оилавий китобхонлик" китоб савдоси ярмаркаси бўлиб ўтди. "Хоразм китоб олами" маънавий-маърифий мажмуасида ташкил этилган китоб савдоси кўргазмасида 70 минг нусхадан ортиқ китоб савдо расталарига қўйилди. Кўргазмада айниқса ўқув-услубий, бадий-публицистик, илмий ва болалар адабиётлари кенг ўрин олди.

Навоийда "Энг намунали сардорлар кенгаши" танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди. Танловда Навоий шаҳридаги 16-умумтаълим мактаби сардорлар кенгаши биринчи ўринни эгаллаб, мамлакат босқичига йўлланма олди. Тадбир доирасида туман ва шаҳарлар сардорлар кенгаши аъзолари учун "Бирлашиб, биз катта кучмиз!" шиори остида ўқув-семинари ташкил этилди.

Германиянинг "Фольксваген" автоконцерни ва Хиндистоннинг "ТАТА моторс" автомобилсозлик компанияси ўртасида англашув меморандуми имзоланди. Эндиликда ушбу компаниялар биргаликда автомобиллар ва уларга эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқариш билан шуғулланади. Асосий мақсад Хин-

дистонни автомашиналар тайёрлаш бўйича жаҳонда АҚШ ва Хитойдан кейин учинчи ўринга олиб чиқиш.

Сомалида очарчилик оқибатида икки кунда 100 дан зиёд одам ҳаётдан қўз юмди. Мамлакат ҳукумати жаҳон ҳамжамиятини ёрдам қўлини чўзишга қақирди. Гап шундаки, сўнгги бир неча йилдан буён кузатилаётган қурғоқчилик натижасида Сомалида озик-овқат захираси туғанган. Шу билан бирга, аҳоли ўртасида турли юқумли касалликлар тарқалган. Ҳозирда мамлакат аҳолисининг деярли тенг ярми - 6 миллион одам инсонпарварлик ёрдамига муҳтож.

Хитойда тайёрланган сув ости планери Марианна ботиғига тушириш чоғида 6 километр 329 метр чуқурликкача етиб боргани ҳолда, жаҳон рекордини ўрнатишга муваффақ бўлди. Аввалги рекорд роппа-роса олти километрга тенг эди.

XXI аср
Барча
маънавлардан
олинган сўнги
хабарлар

МАМЛАКАТИМИЗДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари, Қонунчилик палатаси депутатлари қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқаришга ихтисослашган Жиззах вилоятидаги Бахмал тумани аҳолиси билан учрашиб, юзма-юз мулоқот қилмоқдалар. Депутат ва сенаторлар ҳудудни ўрганиб, аниқланган муаммоларни ҳал этиш бўйича жойида чоралар кўрилиб, тегишли ташкилот ва муассасаларга кўрсатмалар бе-

**2017 йил – Халқ билан мулоқот
ва инсон манфаатлари йили**

ИНСОН МАНФААТЛАРИГА ЙЎНАЛТИРИЛГАН ЛОЙИХАЛАР

Пойтахтимизда қандли диабетнинг олдини олиш ва эрта аниқлаш усуллари тақомиллаштириш борасида амалга оширилаётган лойиҳаларга бағишланган конференция бўлиб ўтди.

Тошкент шаҳридаги "Umid" хайрия жамоат бирлашмаси ташаббуси билан Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Республика ихтисослаштирилган эндокринология илмий-амалий тиббиёт маркази ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда олимлар, шифокорлар, давлат, жамоат, халқаро ташкилотлар вакиллари, хорижий экспертлар иштирок этди.

Республика ихтисослаштирилган эндокринология илмий-амалий тиббиёт маркази директори ўринбосари вазифасини бажарувчи З.Халимова, "Umid" хайрия жамоат бирлашмаси раиси Н.Ибрагимова ва бошқалар мамлакатимизда аҳолига тиббий ёрдам кўрсатиш сифати ва самарадорлигини ошириш, тиббий-профилактика ёрдамини тақомиллаштириш борасида амалга оширилаётган ишлар аҳоли саломатлигини мустаҳкамлашга хизмат қилаётганини таъкидлади.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев шу йил 5 январь ва 7 февралда соғлиқни сақлаш соҳаси вакиллари билан учрашувларда соҳада олиб борилаётган ишларни сифат жиҳатдан янги босқичга кўтариш, тиббиёт тизимини тубдан тақомиллаштириш борасидаги муҳим вазифаларни белгилаб берди.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Харажатлар стратегияси ҳамда "Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили" Давлат дастурида тиббий-ижтимоий соҳани тақомиллаштиришнинг устувор йўналишлари кўрсатилган.

"Umid" хайрия жамоат бирлашмасининг Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан ҳамкорликда амалга оширган қишлоқ аҳолиси орасида қандли диабетнинг олдини олиш, эрта аниқлаш лойиҳаси ҳам бу вазифаларни ҳаётга татбиқ этишда ўзига хос аҳамиятга эга.

Жаҳон диабет фонди гранти асосида 2014-2017 йилларда амалга оширилган ушбу лойиҳа доирасида Қорақалпоғистон Республикаси, Андижон, Фарғона, Самарқанд, Қашқадарё, Навоий ва Тошкент вилоятларида соғлиқни сақлаш тизимининг бирламчи бўлинида ишлайдиган бир минг уч юз нафардан кўпроқ эндокринолог, кардиолог, офтальмолог ва умумий амалиёт шифокорларининг малакаси оширилди. Еттига тумандаги кўп тармоқли марказий поликлиникаларнинг эндокринолог-хонаси компьютер, глюкометр ва бошқа тиббий жиҳозлар билан таъминланди. Вилоятлардаги эндокринология диспансерлари, биохимиявий анализаторлар, реагентлар етказиб берилди. Диабетни барвақт аниқлаш мақсадида аҳоли орасида скрининг текшируви ўтказилди.

Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар кўмитаси билан ҳамкорликда ҳудудларда маҳалла маслаҳатчилари иштирокида ўқув-услубий тадбирлар ташкил этилди. Бундан мақсад аҳоли орасида тиббий-профилактика тадбирларини амалга оширишда маҳалла фаолларининг салоҳиятидан унумли фойдаланиш, оилаларда тиббий маданиятни юксалтиришдир.

Тадбирда Ўзбекистонда диабетология хизмати ва унинг истиқболлари, бу борадаги халқаро тажриба, аҳоли орасида қандли диабетнинг олдини олиш ва тиббий-профилактика хизматини янада ривожлантириш масалалари, халқаро ҳамкорлик истиқболларига оид маърузалар тингланди.

Қишлоқ аҳолиси орасида диабетнинг олдини олиш, касалликни эрта аниқлашга йўналтирилган лойиҳа натижалари таҳлил этилди, давлат, жамоат, халқаро ташкилотлар ҳамкорлигида бу йўналишда амалга оширилаётган истиқболдаги лойиҳалар хусусида фикрлашилди.

**Б.ХИДИРОВА,
ЎЗА мухбири**



МАҲАЛЛИЙЛАШТИРИШ ИМКОНияТЛАРИ ВА ИСТИҚБОЛЛАРИ

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2016 йил 26 декабрдаги "2017-2019 йилларда тайёр маҳсулот турлари, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришнинг истиқболли лойиҳаларини амалга оширишни давом эттириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори маҳаллийлаштириш кўламини янада кенгайтиришга хизмат қилмоқда. Қарор билан тасдиқланган дастурга мувофиқ, келгуси икки йилда мамлакатимизда 3 миллиард 400 миллион долларлик қарийб 1 минг 150 лойиҳани амалга ошириш кўзда тутилган.

Бу ҳақда Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлигида саноат кооперацияси ҳамда маҳаллийлаштириш жараёнларини ривожлантириш истиқболларига бағишланган матбуот анжуманида маълум қилинди.

Анжуманда Иқтисодиёт, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирликлари мутасаддилари, тадбиркорлик субъектлари вакиллари, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Саноат кооперацияси асосида тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш даражасини ошириш иқтисодиётнинг барқарор ва изчил ривожланиши, унинг ташқи омиларга тобелигини камайтириш, ишлаб чиқариш жараёнларига янги самарали технологияларнинг татбиқ этилишини жадаллаштиришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

2010-2016 йилларда икки мингга яқин маҳаллийлаштириш лойиҳасининг амалга оширилиши натижа-сида умумий импорт ўрнини босиб самарадорлиги 7 миллиард 500 миллион доллардан кўпроқни ташкил этди.

Сўнгги уч йилда ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш ҳисобига шахта вагонеткалари, вакуум насослар, кўтарма қранлар, ҳар хил турдаги ўтга ва қислогача чидамли материаллар, қурилиш жиҳозлари, сандвич панеллар, сунъий синтетик газонлар, шиша банклар, бутилкалар, крахмал, нон маҳсулотлари учун ачиткилар сингари юз турдан ортиқ товарларнинг мамлакатимизга олиб кирилиши бутунлай тўхталган.

Маиший электротехника маҳсулотлари, автомобиль филтър ва радиаторлари, пўлат қувурлар, керамик плиталар, тиббиёт ампуллари, полиграфик буюклар, боллар ўйинчоқлари, спорт анжонлари каби 350 дан ортиқ турдаги маҳсулотни четдан келтириш икки бара-вардан зийдага камайтган.

Жорий йилда 960 лойиҳани амалга ошириш ҳисобига 6 триллион 500 миллиард сўмга яқин маҳаллийлаштирилган маҳсулотлар ишлаб чиқарилиши белги-ланган. 122 турдаги ўзлаштиришга тақлиф этилган маҳсулотлар аниқланган.

Президентимизнинг мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий ақунла-

ри ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазир-лар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маъ-рузасида белгиланган вазифаларга мувофиқ, иқтисо-диёт тармоқлари кесимида маҳаллийлаштириш ва са-ноат кооперациясини ривожлантириш ҳисобига импорт ҳажмини камайтириш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Маҳсулотлар импортини қисқартиришнинг қўшимча резервларини ўрганиш жараёни жорий йилда тармоқ-лараро саноат кооперациясини кенгайтириш ҳамда им-порт ўрнини босадиган янги турдаги маҳсулотлар иш-лаб чиқаришни ташкил қилиш ҳисобига импортни қўшимча 23 фоизга қисқартириш имконияти мавжудли-гини кўрсатди.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектла-рини мазкур жараёнга фаол жалб этиш мақсадида Иқтисодиёт вазирлиги томонидан Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тош-кент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда мамлака-тимизнинг барча ҳудудлари имкониятлари таҳлил этил-ди. Натижада илҳик ишлаб чиқариш ҳажми 900 мил-лиард сўмлик 400 дан ортиқ қўшимча лойиҳа аниқ-ланди.

Маҳаллий хомашё ва ресурслардан оқилона фойда-ланишни рағбатлантириш, экспорт салоҳиятини ривож-лантириш мақсадида маҳаллийлаштириш дастурига янги лойиҳаларни киритишнинг ягона мезон ва талаблари белгиланди.

Вазирлик расмий сайтидаги махсус автоматлашти-рилган тизим (minesopoly.uz/uz/local) тадбиркорлик субъектлари томонидан тақдим этиладиган ҳужжатлар-ни қабул қилиш ва қўриб чиқишда қулайликлар яра-тиш, лойиҳаларни киритиш жараёнининг очиклигини таъминлашга хизмат қилмоқда. Бу ерда маҳаллийлаш-тириш дастурлари борасидаги меъёрий-ҳуқуқий ҳуж-жатлар, ўзлаштиришга тақлиф этилаётган маҳсулотлар ва тақдим этиладиган ҳужжатлар рўйхатлари билан та-нишиш мумкин.

Матбуот анжуманида мутахассислар журналистлар саволларига жавоб қайтарди.

Б.БОЗОРОВ

15 март – Халқаро истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш кунли сифатида дунёнинг кўпгина мамлакатларида нишонланади. Мамлакатимизда ҳам истеъмолчиларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини қонун билан ҳимоялаш бўйича қўшимча шарт-шароитлар яратиш борасида қатор чора-тадбирлар олиб борилмоқда.

Истеъмолчиларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, "Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги қонуни, Фуқаро-лик кодекси ва бошқа қонун ҳужжат-лари билан қафолатланган. Мазкур ҳужжатлар истеъмолчиларнинг сотув-чилар ва хизмат кўрсатувчилар билан ўзаро муносабатларини қамраб олган бўлиб, уларнинг ҳуқуқларини давлат томонидан ҳимоя қилиниши-ни таъминлайди.

Ўзбекистон Республикаси Хусусий-лаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат кўмитасининг Тошкент шаҳар ҳуду-дий бошқармаси Реклама фаолияти-ни назорат қилиш ва истеъмолчилар-нинг ҳуқуқларини ҳимоя этиш бўли-ми томонидан истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳамда аҳолининг истеъмол маданиятини ошириш борасида кўпгина ишлар амалга оширилиб келинмоқда.

Жумладан, 2016 йилда фуқаролар томонидан коммунал, савдо ва уму-мий овқатланиш, транспорт, алоқа ва коммуникация хизмати ва бошқа со-ҳалардан жами 1 672 та ариза, шик-оят ва мурожаатлар келиб тушган. Келиб тушган ариза ва шикоятларга асосан истеъмолчилар ҳуқуқларининг ҳимоя қилиниши натижа-сида 386 665,7 минг сўм миқдоридаги пул

маблағлари фуқаролар фойдасига қайта ҳисоб-китоб қилиб берилди. Фуқароларнинг мурожаатлари етказишда "ишонч телефон"и яхши самара бермоқда. Ўтган йили бу йўналишда келиб тушган 784 та му-рожаатдан 622 таси истеъмолчилар фойдасига ҳал этилган, қолган 162

тўғрисида"ги низом талабларига риоя этилиши ва рекламанинг жойлашти-рилиши юзасидан 32 та, шунингдек, "Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги қонунга асосан 8 та ўрганиш ва таҳлил ўтка-зилиб, белгиланган тартибда иш кўзғатилган. 42 та ҳўжалик юритувчи

ИСТЕЪМОЛЧИЛАРНИНГ ҲАҚ-ҲУҚУҚЛАРИ ҚОНУН ҲИМОЯСИДА

таси юзасидан тегишли тушунтириш-лар берилди.

Худудий бошқармага 2016 йил да-вомида фуқаролардан табиий газ исте-теъмоли масаласида 708 та ариза ва мурожаатлар келиб тушган бўлиб, ариза ва шикоятлар асосида 269 744,9 минг сўм миқдоридаги но-реал қарздорликлар фуқароларнинг фойдасига қайта ҳисоб-китоб қилиб берилган.

Ўзбекистон Республикасининг "Реклама тўғрисида"ги қонуни, Тош-кент шаҳар ҳокимининг "Тошкент шаҳрида ташқи рекламани жойлаш-тириш тартиби тўғрисида"ги қарори ҳамда "Рекламани жойлаштириш

субъектларга қонун ҳужжатлари та-лабларига риоя этилиши юзасидан кўрсатмалар берилган, 24 та ҳўжа-лик юритувчи субъектнинг мансаб-дор шахсларига нисбатан чора қўри-либ, жаримага тортилган.

Давлатимиз раҳбарининг 2016 йил 31 октябрдаги "Аҳолини дори-дармон воситалари ва тиббиёт буюмлари билан таъминлашни янада яхшилашга доир чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарори ижросини таъминлаш ва ушбу қарор мазмун-моҳиятини кенг омма-га етказиш ҳамда дори-дармон маҳ-сулотлари нархларининг ошиб кети-шининг олдини олиш мақсадида Соғ-лиқни сақлаш вазирлиги билан ҳам-

ЭРОН ДЕЛЕГАЦИЯСИНING УЧРАШУВЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигида Ўзбекистон – Эрон вазирликлари оид сиёсий маслаҳатлашувларининг бешинчи раунди бўлиб ўтди. Унда Эрон Ислом Республикаси ташқи ишлар вазири ўринбосари Иброҳим Раҳимпур раҳбарлигидаги делегация иштирок этди.

Учрашувда Ўзбекистон билан Эрон ўртаси-даги ҳамкорлиқнинг бугунги ҳолати ва истиқ-боллари муҳокама қилинди. Савдо-иқтисодий, инвестициявий, транспорт-коммуникация соҳа-ларидаги алоқаларни янада чуқурлаштириш-дан икки томон ҳам бирдек манфаатдор экан-ни таъкидланди. Давлатлараро муносабатлар, шунингдек, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти, Ислом ҳамкор-лик ташкилоти доирасидаги алоқалар риво-жида ижобий тенденциялар кузатилаётгани қайд этилди.

Музокарада вазирликлари оид сиёсий масла-ҳатлашувларни мунтазам ўтказиш икки томон-лама муносабатларга оид долзарб масала-ларни муҳокама қилиш, ҳамкорлиқнинг Ўзбе-кистон ва Эрон манфаатларига мос келувчи йўналишларини биргаликда ишлаб чиқиш ва амалга ошириш имконини бериши таъкидлан-ди. Минтақавий ва халқаро масалалар юза-сидан фикр алмашилди.

Эрон делегацияси Ўзбекистон Республика-си Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлигида ҳам музокара ўтказди.

Мамлакатларимиз ўзаро савдо-иқтисодий ҳамкорлиқни янада ривожлантириши учун шартномавий-ҳуқуқий асос яратилган. Савдо-иқтисодий алоқалар, сармояларни ўзаро рағ-батлантириш ва химоя қилиш, икки томонла-ма солиққа тортишнинг олдини олиш, ўзаро савдо имтиёзлари, темир йўл транспорти со-ҳасидаги ҳамкорлик борасида эришилган кел-лишувлар амал қилмоқда. Ўзбекистонда Эрон сармояси иштирокида тузилган 120 га яқин қўшма корхона фаолият кўрсатмоқда.

Учрашувда иқтисодиёт, савдо, транспорт ва транзит каби соҳалардаги алоқаларни ривож-лантириш масалалари муҳокама қилинди. Ўзбекистон – Туркменистон – Эрон – Ўмон минтақалараро транспорт коридорини ишга тушириш ўзаро ҳамкорлик ривожига алоҳида аҳамият касб этиши қайд этилди.

КАНАДА БИЗНЕС ДЕЛЕГАЦИЯСИ ЎЗБЕКИСТОНДА

Ўзбекистон Савдо-саноат палатасида 14 март кунли Канаданинг Россия ва Евроосиёдаги Ишбилармонлик ассоциацияси (CERBA) бошқаруви раиси Нейтан Хант билан учрашув бўлиб ўтди.

Савдо-саноат палатаси раиси Алишер Шай-хов билан мулоқот чоғида Ўзбекистон билан Канада ўртасидаги савдо-иқтисодий ҳамкор-лик изчил ривожланаётгани таъкидланди. Бу-гунги кунда мамлакатимизда Канада капита-ли иштирокидаги қарийб қирқ корхона фаоли-ят юритмоқда.

Мазкур Ишбилармонлик ассоциацияси Ка-нада ва Евроосиё давлатлари ўртасидаги икки томонлама савдо ва инвестицияларнинг ри-вожланишини қўллаб-қувватлайдиган мустақил нотижорат ташкилоти ҳисобланади. Канада компанияларига савдо алоқаларини йўлга қўйишда кўмаклашиб, Европа ва Осиё бозор-ларидаги талаб ва тақлифларни ўрганиш, бу борада турли тадбирлар, савдо миссиялари ташкил этиш билан шуғулланади. Маркетинг тадқиқотларини ўтказишга доир хизматларни тақдим этади.

Учрашувда Ўзбекистон билан Канада ўрта-сидаги савдо-иқтисодий ҳамкорлиқнинг бугун-ги ҳолати ва истиқболлари, икки давлат тадбир-корларининг ўзаро алоқаларини янада мус-таҳкамлашга оид масалалар муҳокама қилин-ди. Биргаликда икки томон учун ҳам манфа-атли бўлган қўшма лойиҳалар ишлаб чиқиш ва амалиётга татбиқ этиш юзасидан фикр ал-машилди.

– Ўзбекистон иқтисодиёти изчил ривожлан-моқда, – деди Нейтан Хант. – Мамлакатингиз-да сармоядорлар учун яратилган шарт-шароит-лар ҳамкорликка бўлган қизиқишимизни то-бора оширмоқда. Ўзбекистон билан нефть-газ, қишлоқ ҳўжалиги, тоғ-кон саноати, транспорт ва транспорт коммуникациялари соҳаларида ҳамкорлиқни ривожлантириш, янги қўшма кор-хоналар ташкил этиш ва бу соҳаларда инвес-тициявий лойиҳаларни амалга ошириш нияти-дамиз.

Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси билан Канаданинг Россия ва Евроосиёдаги Ишби-лармонлик ассоциацияси ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги битим ижросига доир ҳужжат им-золанди.

Севара АЛИЖОНОВА

Реклама ўрнида

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ИНСТИТУТИ ЖАМОАСИ

*ҳамюртларимизни кириб келаётган
Наврўз байрами билан самимий қутлайди.*

*Халқ билан мулоқот ва инсон
манфаатлари йилида баҳорий
кайфият, меҳру муҳаббат ва
бахту омад барчамизга ёр бўлсин!*

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

"Respublika Mulk Markazi" МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади!

I. Савдога Ўзбекистон Республикаси Суд департаменти томонидан ЖИБ Тошкент вилоят судининг 20.07.2015 йилдаги 2-285-30М-14-сонли ижро варақасига асосан Тошкент вилояти, Бўстонлиқ тумани, Хумсон қишлоғида сақланаётган 1. "ГАЗ 322132-216" русумли, д/р 10 960 ZAA 2009 йил и/ч, бошланғич баҳоси – 75 349 823 сўм. 2. "Ласетти" русумли, д/р 01 959 ZAA 2009 йил и/ч, бошланғич баҳоси – 45 602 977 сўм. 3. Avto Plaza service МЧЖ жарима майдончасида сақланаётган "Нексия Донс" русумли, д/р 01 985 TAA 2007 йил и/ч, бошланғич баҳоси – 35 581 905 сўм бўлган автотранспорт воситалари такроран қўйилмоқда.

Аукцион савдоси 2017 йил 31 март соат 11:00 дан бошлаб ўтказилади. Аризаларни қабул қилишнинг охириги мuddати: 2017 йил 29 март соат 18:00.

II. Савдога Тошкент шаҳар Олмазор туман суд ижрочилари томонидан, Тошкент шаҳар ҳўжалик судининг 30.10.2015 йилдаги 10-1508/19188-сонли ижро варақасига асосан Тошкент шаҳри, Бектемир тумани, Х.Бойқаро кўчаси, 3-уйда жойлашган "Равшан Булдинг Груп" МЧЖ жарима майдончасида сақланаётган "NEXIA SONS" русумли, д/р 01 616 TTD, 2014 йил ишлаб чиқарилган, бошланғич баҳоси – 22 500 000 сўм.

Аукцион савдоси 2017 йил 18 апрель соат 11:00 дан бошлаб ўтказилади. Аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик). Аризаларни қабул қилишнинг охириги мuddати: 2017 йил 14 апрель соат 18:00. Автотранспорт воситалари билан Суд департаменти вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишишингиз мумкин.

Талабгорлар савдо ташилотчиси билан тузилган закатат келишувига асосан мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закатат пулини ҳар бир мулк бўйича алоҳида тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда АИТБ "Ипак йўли банки" Сағбон филиалидаги х/р: 20210000300571452114, МФО: 01036, ИНН: 200933850 га тўлашлари шарт. Савдода иштирок этиш учун ариза, закатат пули тўланганлиги ҳақидаги тўлов ҳужжати нусхаси, вакиллар учун ишончнома, чет эл юридик ва жисмоний шахслари қўшимча равишда сўмдаги маблағларнинг келиб чиқиши қонунийлигини тасдиқлайдиган маълумотлар тақдим этилади.

Ариза қабул қилиш ва савдолар ўтказиш манзили: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Қорақамиш-1 кўчаси, 1А-уй. Тел: 228-79-52. www.rmm.uz. Гувоҳнома № 001580.

**Мирзо Улғбек технология касб-ҳунар коллежи маъмурияти коллежда қуйидаги
вакант (бўш) бўлган директор ўринбосарлариغا**

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

- Ўқув ишлари бўйича директор ўринбосари
- Маънавий ва маърифий ишлар бўйича директор ўринбосари
- Ишлаб чиқариш таълими бўйича директор ўринбосари
- Маъмурий-ҳўжалик ишлари бўйича директор ўринбосари.

Директор ўринбосарларининг малака талаблари: академик лицей, касб-хунар коллежининг таълим йўналишларидан камида биттаси бўйича ёки умумтаълим фанлари бўйича олий маълумот, таълим тизимидаги (педагогик, ўқув тарбиявий, ўқув услубий бошқарув фаолияти) иш стажи 5 йилдан кам бўлмаслиги лозим.

Танловда қатнашиш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

- 1.Сўровнома (объективка-справка)
- 2.Таржимаи ҳол
- 3.Олий маълумот ҳақидаги диплом нусхаси
- 4.Илмий даража ва илмий унвони (мавжуд бўлса) ҳақидаги ҳужжатларнинг нусхалари
- 5.Илмий-услубий ишлар ва ихтиролар рўйхати (мавжуд бўлса)
- 6.3x4 ўлчамли 6 дона фотосурат
- 7.Паспорт (нусхаси)
- 8.Тавсифнома
- 9.Меҳнат дафтарчасидан нусха.

Ҳужжатларнинг асл нусхалари шахсан номзодлар томонидан кўрсатилади. Ҳужжатлар эълон чиққан кундан бошлаб 30 кун мобайнида қабул қилинади.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Мирзо Улғбек тумани, Мингбулоқ кўчаси, 16-уй. Телефон: 265-98-54

**"ZAMIN ENERGO SOZLASH" МАСЪУЛИЯТИ
ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИ**

*барча ҳамшаҳарларимизни Наврўзи олам
шодиёналари билан муборакбод этади.
Хонадонимиз тинч, осмонимиз мусаффо,
фарзандларимиз бахтли-саодатли бўлсин.
Наврўз шукуҳи дилларимизни шод этсин!*



Спорт ангилликлари

ХАЛҚАРО ШАХМАТ ФЕДЕРАЦИЯСИ ЭЪТИРОФИ

Халқаро шахмат федерацияси ФИДЕ ўзбекистонлик бир қатор спортчиларга янги унвон тақдим этилганини эълон қилди.

Хусусан, шахматчиларимиздан Сарвиноз Қурбонбоева халқаро гроссмейстерлик унвонини қўлга киритган учинчи ўзбекистонлик аёл шахматчига айланган бўлса, Нодирбек Абдусатторов ва Роман Голубевлар

халқаро спорт устаси унвонига эга бўлишди. Қайд этиш жоиз, олдинроқ маҳоратли шахматчимиз Гулрухбегим Тохиржонова ҳам халқаро гроссмейстерлик унвонига лойиқ топилган эди.

ЯРИМ ФИНАЛ ЖУФТЛИКЛАРИ АНИҚЛАНДИ

Футзал бўйича XXI миллий чемпионатнинг чорак финал беллашувларига яқун ясалди.

Унга кўра амалдаги чемпион "Олмалик" (Олмалик), "Дўстлик-АИ" (Қарши), "Арду" (Тошкент) ва "Бунёдкор" (Тошкент) жамоалари чорак финалдаги рақибларини дастлабки икки ўйиндаёқ мағлуб этган ҳолда

ярим финал йўлланмасини қўлга киритишди. Регламентга кўра, ярим финалда гуруҳ босқичини биринчи ўринда тугатган жамоа жуплиги қолиби ("Олмалик") тўртинчи ўрин жуплиги қолибига ("Бунёдкор") қарши,

гуруҳни иккинчи ўринда яқунлаган жамоа жуплигида устун келган клуб ("Дўстлик-АИ") эса учинчи погонани банд этган жамоа жуплиги қолибига ("Арду") қарши тўп тепади.

Ярим финал учрашувлари ҳам томонлардан бирининг иккита ғалабасига қадар давом этади. Ўйинларнинг ўтказилиш санаси кейинроқ эълон қилинади.

БОКСЧИМИЗ КУЧЛИ РАҚИБНИ ЕНГДИ

Ўзбекистонлик чарм қўлқоп устаси Улугбек Ҳақбердиев профессионал боксчилик фаолиятини бошлади.

Ҳаваскорлар боксида бой тажриба тўплаган ҳамюртимиз профессионал рингдаги дастлабки жангини Россиянинг Краснодар ўлкасида ташкил этилган бокс кечасида ўтказди. Улугбек дебют жангига ўзидан анча тажрибали бўлган мезонлар вакили Карен Аветисянга қарши рингга тушди. Карен профессионал боксчилик фаолиятини 2006 йилда бошлаган бўлиб, шу кунгача 27 та жангга рингга чиққан.

Ўзбекистонлик боксчи тажрибали рақибига қарши олти раунд жанг ўтказди. Учрашув якунида зарбалар ҳисоб-китобини олиб борган ҳақамлар бир овоздан Улугбек Ҳақбердиевнинг ғалабасини эълон қилишди.

Эслатиб ўтамиз, боксчимиз ўтган йили "Uzbek Tigers" жамоаси шарафини ҳимоя қилган.

Ботир Хўжаев

ТУРНИР ВАҚТИ ЎЗГАРДИ

Маълумки, футбол бўйича 20 ёшгача бўлган терма жамоалар ўртасида илк марта ташкил этилаётган Осиё чемпионати 9-21 май кунлари Таиландда ўтказилиши режалаштирилган эди.

Бироқ ОФК ва ФИФА Конгресслари мос равишда 8 ва 11 май кунларига белгиланганлиги сабаб, футбол бўйича ёшлар ўртасидаги Осиё чемпионати 16-26 май оралиғида ўтказиладиган бўлди. Бу ҳақда Ўзбекистон футбол федерацияси расмий сайти хабар тарқатди.

Қитъа биринчилигида муваффақиятли иштирок этишни режалаштиратган Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси 12-13 март кунлари Тошкентда Қирғизистон ёшлар терма жамоасига қарши назорат-ўртоқлик учрашувини ўтказди. Бунгача испаниялик бош мураббий Хосе Мария Мендес етакчилигидаги Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси тожикистонлик тенгдошларига қарши 2 та ўртоқлик учрашувида ўзаро куч синашишган. Биринчи ўйинда 6:6 ҳисобидаги дуранг қайд этилган бўлса, иккинчи бахсда ҳамюртларимиз 5:3 ҳисобида зафар кучишган эди.

Акбар Йўлдошев

Ўзбекистон мудофасига кўмаклашувчи "Ватанпарвар" ташкилотининг "Олмазор ўқув спорт-техника клуби" унитар корхонасида ҳаво миллигидан ўқотиш бўйича мусобақа бўлиб ўтди.



ВАТАНПАРВАРЛАР МУСОБАҚАСИ

Мақсуд тадбир спортнинг техник ва амалий турларини хотин-қизлар орасида ривожлантириш мақсадида ташкил қилинган бўлиб, унда ташкилотнинг аёл ходимлари қатнашди.

— Байрам муносабати билан уюштирилган мусобақа қолибига бўлганимдан жуда ҳам хурсандман. Бундай спорт тадбирларидан кейин унитар корхонамизда фаолият юритаётган аёл ходимларнинг кайфияти кўтарилиши аниқ. Бу эса ўз навбатида, уларнинг ишида унум бўлишида омил бўлади, десам адашмайман, — дейди "Олмазор

Ўқув СТК" унитар корхонаси ходими Марғуба Саидова.

Байрамона руҳда кечган мусобақа натижасига кўра, 1-ўринни Марғуба Саидова эгаллаган бўлса, 2-ўринга Муниса Юсуфова, 3-ўрин эса Нигора Карбаевага насиб этди.

Спорт тадбири якунида қолиб ва совриндорлар ташкилотчиларнинг диплом ҳамда эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

Б.Жўраев

К.Ўлмасов олган сурат

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ЎРМАТЛИ ҲАМШАҲАРЛАР!

Тошкент шаҳар меҳнат бош бошқармаси,
Тошкент шаҳар ҳокимлиги ҳамда
Бош прокуратура ҳузуридаги департаментнинг
Тошкент шаҳар бошқармаси
билан ҳамкорликда 17-18 март кунлари
Юнусобод туманида жойлашган
Ёшлар ижод саройида "Бўш (вакант)
иш ўринлари меҳнат ярмаркаси" бўлиб ўтади.

Ярмаркада Сиз 13,5 мингдан ортиқ бўш иш ўринлари билан танишиб, ишга жойлашиш ва тижорат банклари кредит турлари, тайёр бизнес лойиҳалари билан танишиб, ўз бизнесингизни очиш имкониятига эга бўласиз.

Мўлжал: метронинг Мустақиллик майдони бекати.

"REALTOR GARANT BUSINESS" МЧЖ тасарруфида бўлган, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, 17-мавзе, 3-й, 1-хонадонга тегишли кадастр рақами №10:07:05:02:01:0084, реестр рақами №7-94/2015, гувоҳнома рақами TS №0073971 бўлган кадастр ҳужжатлари йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

"AUTO MEGA TRADE" МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибиде ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади!

Аукцион савдосига:

1. Тошкент шаҳар Миробод туман СИБ томонидан хатланган: Ўз.Рес. МХХ Тошкент вилоят бошқармасида сақланаётган, 2016 йил 6 сентябрь кундаги: 32088/19-сонли ижро ҳужжати асосан, бошланғич баҳоси — 36 383 000 сўм, 2006 йил ишлаб чиқарилган, давлат рақами: 010604WA бўлган, "Ласетти" русумли; 2. Тошкент шаҳар Яшнобод тумани СИБ томонидан хатланган: 1. Тошкент шаҳар ИИББ Ахборот маркази омиборида сақланаётган: 2009 йил 21 август кундаги 1-504/09-сонли ижро варақасига асосан, 1988 йил ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10AZ071, бошланғич баҳоси — 4 297 770,88 сўм бўлган, "Камаз-53112" русумли; 2. Тошкент шаҳар, Яшнобод туман прокуратурасида сақланаётган: 2013 йил 8 май кундаги 1-237/13-сонли ижро варақасига асосан, 1995 йил ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01M277JA, бошланғич баҳоси — 4 958 878,40 сўм бўлган, "ГАЗ-31029" русумли; 3. 2013 йил 19 август кундаги 1-439/13-сонли ижро варақасига асосан, 1991 йил ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01Q654PA, бошланғич баҳоси — 13 280 468 сўм бўлган, "Мерседес Бенц" русумли техник носоз автотранспорт воситалари тақдоран савдога қўйилмоқда.

Аукцион савдоси 2017 йил 4 апрель куни соат 11:00 да ўтказилади.

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш (соат 10.00 дан соат 16.00 гача), аукцион бошланишидан олдин (Аризаларни қабул қилишнинг охириг муддати: 2017 йил 4 апрель куни ўтказиладиган савдоларида 2017 йил 31 март соат 16.00 гача) тўхтатилади. Савдога қўйилган мулклар билан талабгорлар тегишли суд ижрочилари бўлимининг вакили иштирокида бевоқиф жойига чиқиб танишишлари мумкин.

Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузилладиган закат келишувга асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда "AUTO MEGA TRADE" МЧЖнинг АИТБ "Ипак йўли" Миробод филиалидаги қуйидаги ҳисоб-рақамига тўлашлари шарт: х/р: 20208000900603278001, МФО: 01101, СТИР: 303877274. Сайт: www.avtonegatrade.uz

Манзил: Тошкент шаҳри, Ислон Каримов кўчаси, 16 "А"-уй. Тел: (0371) 239-29-40.

Гувоҳнома № 009293.

"101"

"ТИЛСИЗ ЁВ" ДАН ЭЪТИЁТ БЎЛИНГ

Инсоният ҳаётига таҳдид солувчи офатлардан бири ёнғин бўлиб, у қай тарзда юзага келишига қарамай ўзининг мудҳиш изларини қолдиради.

Ишлаб чиқариш корхоналари ва турли ташкилотлар биноларида содир бўлган ёнғинлар кишиларнинг самарали меҳнат фаолиятига зарар етказиши. Бу эса иқтисодиётга ҳам салбий таъсир кўрсатади. Бундай ҳолатларга йўл қўймаслик учун эса ҳар биримиз ёнғинга қарши, унинг олдини олиш учун фаол кураш олиб боришимиз зарур. Корхона-ташкилотлар бинолари, шунингдек, аҳоли турар жойларида оддийгина ёнғин хавфсизлиги қоидаларига амал қилиш орқали биз жуда катта йўқотишларнинг олдини оламиз. Азимасдек туюлган носозликлар ҳам ёнғинга сабаб бўлишни унутмаслик лозим.

Абдумалик АМАНОВ,
33-ХЕХК смена бошлиғи, капитан

Ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимлари томонидан жойларда аҳоли ўртасида "тилсиз ёв"нинг олдини олиш бўйича тарғибот-ташвиқот ишлари олиб боришмоқда.

Учрашувларда аҳолининг қуйидаги қоидаларга амал қилиши нақадар муҳимлиги алоҳида таъкидлаб ўтилмоқда.

- Носоз электр асбоб-анжомларидан фойдаланманг;
- уй, чордоқ ва ер тўлалирида тез алағланувчи (бензин, керосин ва ҳ.к) суюқликларни сақланманг;
- маст ҳолда, ётоқда ётган ҳолда сигарета чекманг;
- газ ўчоғида ювилган кийимларни қуритиш мақсадида фойдаланманг, бу хавфли;
- ёш болаларни уйда гуғурт ўйнашига йўл қўйманг;
- хонадонингизда ёки қўшниқингизда ёнғин содир бўлса, дарҳол "101" рақамига қўнғирок қилиб, ёнғин хавфсизлиги хизматида хабар бериб, манзилни аниқ айтинг ва ўз кучингиз билан инсонларни қутқаринг.

Ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимлари сизларни огоҳликка чақириб, содир бўлиши мумкин бўлган ёнғин ва бошқа фақуллодда ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида юқорида келтирилган қоида талабларига тўлиқ амал қилишингизни сўрайди. Нафакат уйингизда, балки иш жойингизда ҳам эътиборли бўлиб, белгиланмаган жойларда сигарета чекмасдан, акратилган жойларда махсус идишларга сигарета қолдиқларини ташлашнинг мақсада мувофиқ бўлар эди. Шу билан бирга иш вақтингиз тугагандан сўнг хоналардаги чиқарилган ва компьютер жиҳозларини манбадан ўзиб кетишингизни сўраймиз.

Улугбек АБДУРАХМОНОВ,
Мирзо Улугбек тумани
ИИБ ЁХБ инспектори, кичик сержант

Мамлакатимизда, айниқса, пойтахтимизда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари ҳар қандай сайёҳни лол қолдириши аниқ.

Лекин шу билан бирга, ёнғин хавфсизлиги қоидаларига эид равишда барпо этилаётган бино ва қурилмалар ҳам йўқ эмас. Жумладан, фуқароларимиз томонидан кўп қаватли уйлар атрофларига ўзошималик билан томорқа ҳўжаликлари қуриб олинганлиги, йўл бошларига турли сунъий тўсиқлар қўйиб қўйилганлиги ҳам салбий ҳолатлар сирасига кириди.

Қўрилиб турibdiki, халқ мулкни "тилсиз ёв"дан муҳофаза қилиш, ёнғин хавфсизлигини таъминлаш муҳим омилдир. Бу ишда нафакат ўшбу соҳа ходимлари, балки ҳар бир фуқаро фаол иштирок этиши мақсада мувофиқ.

Сарвар АМАНТУРДИЕВ,
Тошкент шаҳар ИИББ ЁХБ 28-ХЕХК
инспектори, сержант

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Тошкент меҳмонхона хўжалиги ва сервис касб-хунар коллежига 2016-2017 ўқув йили учун тўлов-контракт асосида бухгалтерия, ошпаз, меҳмонхона ва ресторан хизматлари менежери йўналишларига ўқувчилар ўқишга қабул қилинади.

Ўқиш муддати — 1 йилу 6 ой.
Манзил: Шайхонтохур тумани, С.Дарвоза кўчаси, 60-уй.
Мурожаат учун телефонлар: (71) 273-64-51; (71) 273-64-60; (93) 597-83-30; (97) 755-62-08.

Тошкент давлат стоматология институти жамоаси "Ортодонтия ва тишларни протезлаш" кафедраси дошенти Феруза Абдулхакимова Шомухамедовага турмуш ўртоғи

Шоанвар ШОМУХАМЕДОВНИНГ вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

ЎЗГИДРОМЕТ
ХАБАР ҚИЛАДИ

Тошкент шаҳрида 16 март куни ҳаво ўзгариб туради, кечаси ва эрталаб ёмғир ёғиши мумкин, кундузи ёнғингарчилик бўлмайди. Шарқдан секундида 5-10 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси — 0-

2 даража совуқ, кундузи — 12-14 даража иссиқ бўлади. Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотида кўра, 16 мартда Тошкент шаҳрининг об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз тарқалиб кетишига имконият яратлади, ифосаланиш даражаси паст бўлади.

Тошкент ОҚШОМИ

Манзил: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
Эълонлар: 233-28-95, факс: (371) 233-29-55

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган

Наشري етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почта»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин. Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва сақланган.

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ



Бизнинг электрон манзил: gazeta-vto@mail.uz

Буюртма Г- 335

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади

Нашр кўрсаткичи — 563

Ҳажми — 4 босма табоқ, офсет усулида босилади. 12959 нускада босилди. Қозғо бичими А-2

Нашр учун масъул О. Ҳазратов

Топшириш вақти: 13.00

Босишга топширилди: 17.35

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмақонаси. Корхона манзили: Буюк Тўрон кўчаси, 41-уй

Бош муҳаррир Акмал АҚРОМОВ